# Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

(Боши 1-бетда)

Биргина «Соғлом она — соғлом бола» деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуримиз доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг ўзи илгари ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч кўрилмаган салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган «Баркамол авлод йили» давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар албатта барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига етади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуғ мақсадга қаратилган барча саъй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, холис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳроқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига етадиган жонкуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўҳна тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсига кўра, ҳақиқатан ҳам асрларга тенг давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажаги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча оғир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар қўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъсир ўтказиш учун қилинган турли босим ва тазйиқлар бўладими, иқтисодий узилиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта оғир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчаси, ўйлайманки, янги тарихимизда чуқур из қолдирадиган давр сифатида халқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Ишонаманки, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариб, мағрурланиб яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммоларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар авваламбор заҳматкаш аёлларимизнинг елкасига тушди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, донолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга ишончи юртимизнинг ана шундай синовларни енгиб ўтишида мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқарор тараққиёт суръатларимизни дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган, далада ва корхоналарда, таълим ва шифо масканларида, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаётган сиз қадрдон опа-сингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо толеингиз баланд, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**



**Тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини муҳофазалаш Президентимиз Ислом Каримов томонидан юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини турли табиий ва техноген хавф-хатарлардан асраш, уларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асоси яратилди, бу борада мустаҳкам тизим шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ фуқаролик мудофаасини қуриш бўйича эскирган ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш ҳамда ҳаракат қилишнинг мутлақо янги давлат тизими — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятининг асосий устувор вазифалари белгилаб берилди.**

# Шарафли касб эгалари

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, қутқарувчи ва фахрийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига байрам табригини Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазири Т.Худойбергенов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 феврал куни имзоланган «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда кўп йиллик фидокорона меҳнати, ўз хизмат вазифаларини бажаришда кўрсатган жасорати ва жонбозлиги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда санъаткорларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

# Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига байрам табриги

(Боши 1-бетда)

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, сейсмик ҳолатларни кузатиб бориш ва ёнғинларнинг олдини олишда қўлланадиган технологиялардан, шунингдек, ҳалокатлар пайтида ишлатиладиган энг янги қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникадан кенг фойдаланиш фавқулодда вазиятларни мониторинг ва прогноз қилиш тизимининг юксак даражада ишончли бўлишини, қутқарув операцияларини режалаштириш ва амалга оширишнинг тезкорлигини таъминламоқда.

Шу йиллар мобайнида оператив фикрлаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини қандай ҳаракат қилишга ўргатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда илмий-педагогик ва ўқув-машғулот марказлари — Фуқаро муҳофазаси институти ва Қутқарувчиларни тайёрлаш маркази ташкил этилгани, уларда 20 минг нафардан ортиқ мутахассис ва қутқарувчи таълим олганини алоҳида қайд этиш зарур.

Хорижий марказлар билан табиий офатлар ва фалокатлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Хусусан, бу борада Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Япония, Украина, Латвия ва бошқа мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Табиий офатларни камайтириш халқаро стратегияси ва Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Осиё маркази каби халқаро тузилмалар доирасида фавқулодда вазиятлар хавфининг олдини олишга доир илғор амалий тажрибаларни алмашиш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Сўнгги ўн беш йил давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 4 мингдан ортиқ йирик қутқарув операциялари амалга оширилди.

Қутқарувчиларнинг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли 16 мингдан зиёд фуқаромизнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солган таҳдидларнинг олдини олишга эришилгани, айниқса, эътиборлидир.

Фавқулодда вазиятлар хизматлари ва тузилмаларининг ташкил топиши бўйича шу даврда босиб ўтилган мураккаб йўлни баҳолар эканмиз, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлаши, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти, тинч меҳнати ва осойишталигининг ҳимояси ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айтиш мумкин.

Ҳурматли қутқарувчилар!

Кейинги вақтда дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган йирик табиий офат ва техноген ҳалокатлар, республикамизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида зилзила, жала ва тошқинлар, сел ва кўчкилар юз бериш хавфи, шунингдек, манбаи биз билан чегарадош давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий кўринишдаги хатарларнинг сақланиб қолаётгани ушбу хавфли ҳолатларга қарши самарали ва таҳдид даражасига мос равишда ҳаракат қилишни, барча қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг аниқ ва ўзаро уюшган ҳаракатини, ҳар бир қутқарувчининг ўз хизмат бурчини масъулият билан бажаришини тақозо этмоқда.

Қўйилган ана шундай мақсадга эришиш йўлида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қутқарув хизматларининг юқори малакали ходимларини тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича ишларни давом эттириш даркор.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳар бир ходими фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда мавжуд ҳолатга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда ўқитиш борасида ўз вақтида, қабул қилинган чора-тадбирлар, авваламбор, қанча-қанча инсонларни қутқариб, ҳаётини асраб қолишга хизмат қилишини доимо ёдда тутмоғи лозим.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўз ишига садоқатли, профессионал мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўлолмайди. Чунки қутқарувчилик — бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир.

Ишончим комилки, мардлик ва матонат, ўз ишининг профессионал негизини чуқур билиш, тезкор ҳаракат қилиш ва сафарбарлик бундан буён ҳам сиз эгаллаган олижаноб касбнинг энг муҳим мезони ва хусусияти бўлиб қолаверади.

Сизларни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлик, ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# Конституцияга тузатишлар тўғрисидаги қонун қабул қилинди

(Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси мажлисидаги моддама-модда муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган қўшимчаларга биноан янги, демократик принципларга мос конституциявий тартиб жорий этилмоқда. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси ўз мазмун-моҳиятига кўра, мустақил давлатимизни демократик ривожлантиришдаги, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга моликдир. Сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ҳукуматни шакллантиришнинг янги тартиби киритилиши сиёсий партияларнинг масъулиятини, жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқининг берилиши тўғрисида Конституцияга киритилаётган тузатишлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, Конституциянинг 98-моддасида агар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши белгиланмоқда.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Ушбу норма жуда муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини янада оширади, мамлакатимиз давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтиради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар Конституциянинг 78-моддаси биринчи қисми 15-бандига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу ўзгартишларга мувофиқ Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилади. Бу ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати имкониятларини янада кенгайтиради, депутатларнинг, фракцияларнинг долзарб социал-иқтисодий масалалар ҳал этилишида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимиз Конституциясига киритилаётган тузатишлар ижро этувчи ҳокимият ўз фаолиятини ташкил этиш борасидаги ҳуқуқларини, таъсирчанлигини сезиларли даражада кенгайтиришини таъкидладилар. Конституциянинг 93-моддаси 8-бандидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро этувчи ҳокимият девонини тузиши ва унга раҳбарлик қилишига доир ваколати чиқарилмоқда.

Депутатларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, демократик ислоҳотлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ва босқичма-босқич ўтказилаётганлиги, жамият ҳаётининг барча соҳалари эркинлаштирилаётганлиги бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконини берди. Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида ташкил этилган демократик институтлар, кўп партияли тизим мустаҳкамланганлиги, жамиятни эркинлаштириш жараёнлари изчил ривожланиб бораётганлиги, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ўтган йилларда эришилган ютуқлар мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш модели тўғри танланганлиги ва бундан буён ҳам шу йўлдан бориш зарурлигини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари Конституцияга киритилаётган мамлакат бюджетини шакллантириш ва рўёбга чиқариш соҳасида парламент назорати механизмларини назарда тутувчи ўзгартишлар муҳимлигини таъкидладилар. Чунончи, Конституциянинг 80-моддаси 6-бандига киритилаётган нормага мувофиқ Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Экоҳаракатдан сайланган депутатлар таъкидладиларки, мамлакат Конституциясига киритилаётган янги ҳуқуқий нормалар Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш шакллари ва услубларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойларда социал-иқтисодий соҳадаги ишларнинг ҳолати бўйича ижро этувчи органлар раҳбарларини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш муҳим эканлиги қайд этилди.

Депутатлар округларда сайловчилар билан олиб бориладиган ишни тубдан яхшилаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини парламент фаолиятида янада кенгроқ инобатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини мамлакатнинг барча фуқароларига етказиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган тузатишларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, сиёсий партиялардан юқори даражадаги етукликни, Ўзбекистон Республикасининг тақдири ва келажаги учун улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб қилади.

Мажлисда, ҳужжат батафсил муҳокама қилиниши жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунни қабул қилди.

Мажлисда бир қатор бошқа қонун лойиҳалари, шу жумладан, қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш жараёнида қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ва бир қатор бошқа қонунларга тузатишлар киритилди. Улар ҳам кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Матбуот хизмати.**

# Сен барибир муқаддассан, МУҚАДДАС АЁЛ



(Боши 1-бетда)

Бу йўналишдаги ишларда амалий натижаларга эришиш, касаба уюшмалари фаолиятига замон талабларидан келиб чиқиб, янгича ёндашган ҳолда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди. Бунда биз учун мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлаб 2011 йил 21 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида белгиланган устувор йўналишлар дастуруламал бўлди.

Федерация кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ишловчи аёлларалоқаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар меҳнат соҳасида аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Давр ўзгармоқда ва албатта, ҳаёт тарзимизга ҳам ўз ўзгаришларини киритмоқда. Касаба уюшмаларининг юридик хизмати томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳада фаолият кўрсатаётган инсонлар, айниқса, тадбиркор аёллар ва ёш тадбиркорларга ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари, бошлаб қўйган ишларида муайян натижага эришишлари учун ҳуқуқий маслаҳатлар беришни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам аслида шундан.

Жойларда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини жадаллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти бўлган маҳалла билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз аёлларнинг жамиятдаги ва оиладаги мавқеини, ёш авлодни тарбиялаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасидаги юксак роли ва қўшаётган ҳиссасини оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

ҳам асосий эътибор инсон омилига қаратилган. Мазкур дастур доирасида амалга ошириладиган ишларда хотин-қизлар масаласи алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, услубий ёрдам кўлами кенгайтирилади. Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг жамоашартномавий муносабатлар билан қамраб олиниши даражасини ошириш, имзоланадиган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кичик бизнес субъектларига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қисман қоплаш масалалари билан ҳам жиддий шуғулланилади. Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг меъёр ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ва уларга меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш, соҳа ходимларидан 1100 нафарини касаба уюшмалари санаторийларида имтиёзли равишда соғломлаштириш, болалар соғломлаш-

# Аёл улуғланган юрт

нинг малакасини ошириш ишларида фаол иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, хотин-қизларни дам олдириш, маънавий савияларини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда бу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар ҳам комиссия иш режасидан алоҳида ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши хотин-қизларнинг бандлиги борасидаги ишларда, хусусан, касаначилик йўналиши имкониятларидан кенг фойдаланиш ва албатта, бунда босқичма-босқич самарадорликка эришишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ногирон аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ҳамиша эътиборимизда бўлиб қолмоқда.

Яна бир муҳим масала, бу — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида жойларда барпо этилаётган янги иш ўринларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясидир. Уларга хавфсиз ва етарли иш шароитлари яратилиши, касбий малакаларини ошириш ишларига кўмаклашиш эндиликда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг доимий диққат марказида бўлади. Кези келганда, касаба уюшмалари фаолиятини мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, аъзоларимизнинг 3 миллион 300 минг нафарга яқини, яъни 48,9 фоизини аёллар ташкил этади.

Биз бугун касаба уюшмаларида захира кадрлар тизимини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Захира кадрлар сафида хотин-қизлар вакилларининг етарли даражада бўлиши замон талабларидан бири бўлиб, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан давлат ҳокимияти, прокуратура, суд органлари билан

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида илк бор қабул қилинган 2011-2012 йиллар учун қўшма тадбирлар режаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилиш йўлида муҳим қадам бўлди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан бамаслаҳат амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат жамоаларида касаба уюшмалари томонидан тегишли соҳа мутахассислари, олимлар, шоир ва ёзувчиларни таклиф этган ҳолда Маънавият соатларини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилганлиги ҳам таҳсинга лойиқ, албатта.

Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, ҳар бир касаба уюшма аъзосига республикада фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва чуқур англаб етишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, давлатимиз сиёсати замирида инсон манфаатлари ҳимояси ётганлигини тарғиб қилишдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тасдиқланган эксперт гуруҳига раҳбарлик қилиш вазифаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисига топширилганлиги ҳам давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматининг энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмаларига бўлган ишонч ва эътибори намунаси эканлигини чуқур ҳурмат ва масъулият билан эътироф этиш зарур.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш соҳасида энг муҳим устувор вазифалар бажарилишига ҳар жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган дастурда

тириш оромгоҳларида кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг 4320 нафар фарзандини имтиёзли равишда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан соғломлаштириш каби масалалар ҳам дастурдан ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, дастур доирасида корхона, ташкилот, муассасалар ишчи-ходимлари ва тадбиркорлар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Республика «Саломатлик» спартакиадаси ва кичик бизнес билан шуғулланаётган илғор тадбиркорларнинг мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларига уюштириладиган саёҳатларига ҳам хотин-қизлар кенг жалб этилади.

Аёллар оила фаришталари, рўзғор сариштаталаридир. Бугунги кунда касаба уюшмаларининг жойларда кенг қулоч ёяётган ташаббуси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига ҳар бир касаба уюшма фаоли томонидан 20 тупдан кўчат экиш, янгидан-янги гўзал боғлар барпо этиш тадбирларида ҳам хотин-қизларимиз ўзларининг доно ва тадбиркорона маслаҳатлари, нозик дидлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида касаба уюшмалари томонидан жойлардаги касаба уюшма органлари ва касб-ҳунар таълими маркази бошқармалари ҳамкорлигида «Уста-шогирд» йўналиши амалда жорий этилмоқда. Бу, биринчидан, ўғил-қизларимизни иш билан таъминлашга, қолаверса, уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Мақсадимиз аниқ, у ҳам бўлса, меҳнаткашларнинг, шу жумладан, хотин-қизларнинг жамиятдаги муҳим янгиланиш ва ўзгаришларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, иш билан таъминланиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимояларини кучайтириш борасида яратилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

**Танзила НАРБАЕВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси**

# Истиқлол шарофати

***Ўлкамизга баҳорнинг кириб келиши дов-дарахтларни уйғотгани сингари деҳқонлар қалбини ҳам қувончга тўлдириб, завқли меҳнат сари чорламоқда. Бундай шукуҳли кунларнинг 8 март — Хотин-қизлар байрамига уланиб кетиши кўнгилларни фахр ва ифтихорга тўлдирмоқда. Йил бошидан жамоамиз аъзолари билан келишган ҳолда мамлакатимизнинг муборак тўйига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлашга киришдик...***

Хўжалигимиз фаолиятини бошлаганига 8 йил бўлди. 2003 йилда собиқ ширкат хўжалигимиз тарқалиб, унинг тасарруфидаги ерлар тендер асосида фермерларга берилди. Мутахассислигим ҳуқуқшунос бўлса-да, мулкдорликка, мустақил фаолият кўрсатишга жазм этиб, мен ҳам тендерда қатнашдим ва ғолиб сифатида 12 гектар экин майдонига эга бўлиб, фермер хўжалигини ташкил этдим. Мақбуллаштириш жараёнида ерларимиз ўтган йилнинг охиригача 45 гектарга етганди.

Якунланган йилда пахта ҳосилдорлигини 29 центнерга, ғаллани 63 центнерга етказдик. Хўжалигимиз аъзоларига тарқатганимиздан ташқари ўзимизда ўн тоннадан ортиқ дон қолди. Пиллачиликдаги ютуқларимиз ҳам кутилганидан зиёд бўлди. Йиллик даромадимиз 100 миллион сўмдан ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида имкониятимиз янада кенгайди. Экин майдонимиз 117 гектарга етди. Аъзолар сафи 40 кишига кенгайди. Бугун асосий эътиборни 17 гектардаги ғалла экинлари парваришига қаратганмиз. Механизаторларимиз қатори дала меҳнатчиларидан Меҳригул Ҳожиева, опа-сингил Махфират ва Гуландом Гулматова, Ўғилой Ражабова алоҳида ташаббускорлик кўрсатишяпти.

Келгуси ойнинг бошларида 100 гектар майдонда чигит экишни режалаштирганмиз. Ҳозиргача барча майдонлар шўри 2 марта ювилди.

Мамлакатнинг бахтиёр мулкдор аёллари сафида туриб, юрт фаровонлиги, хонадонлар хайр-баракаси учун бошлаган ҳаракатларим ижобий самара бераётганидан фахрланаман.

**Роҳила ОЧИЛОВА,**
**Шофиркон туманидаги «Ирода Акбар қизи» фермер хўжалиги раҳбари**



***Яккабоғ туманидаги «Камалак» мактабгача таълим муассасаси услубчи-тарбиячиси, касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддас Очилова ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда болажонларга таълим-тарбия беришда жонбозлик кўрсатмоқда.***

# Муқаддас ватаннинг азиз болалари

Муқаддас опанинг «Кабутар» мактабгача тайёрлов гуруҳига кирганимизда, тарбияланувчилар 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Жажжи гўзаллар» кўрик-танловига ҳозирланаётган экан.

Болалардан Ватан ҳақида шеър айтиб беришини сўрадик. Сўрадиг-у, «Устоз, мен айтай», «Устоз, мен айтай», дея қўл кўтариб, рухсат сўраётган болажонларни кўриб, шошиб ҳам қолдик. Севинчой инглиз тилида бурро-бурро шеър ўқиди, гуруҳ жўр овозда рус тилида Ватан мадҳини куйлади, Темурбек Шодиев Навоий бобомиз рубоийларини айтганда, зукко фарзандларимиз борлиги учун руҳимиз осмон қадар кўтарилди. Беш ёшли Дилшодбек Жуманазаровнинг ишонч билан шахмат доналарини суриши эса ундан келажакда Рустам Қосимжоновдек моҳир спортчи етишиб чиқишига ишора бўлди гўё.

— Кўрик-танлов анъанавий равишда ҳар йили ташкил этилади, — деди опа. — Истеъдодли ва зукко беш нафар қизалоқ таништирув, баҳор ҳақидаги савол-жавоблар, «Ким чиройли нон ясайди?» пазандалик баҳси, рангли қоғозлардан турли ўйинчоқлар ясаш ва эркин мавзу шартлари бўйича беллашди.

— Муқаддаснинг болалар қалбига йўл топа олиши мени ҳайратга солади, — деди мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилбар Маҳмадалиева. — У ўтказилаётган ҳар бир тадбирга мослаб шеърлар ёзади, турли матолардан ўйинчоқлар тикади. Ҳаммасига улгуради, барака топгур. «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб, вилоят миқёсида совриндор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, касабақўм сифатида ҳам ходимларга меҳрибон. Қадимий шаҳарларга саёҳат уюштиради, тарихимизга ҳурмат руҳида ўсиши учун болажонларни йилда бир марта «Оқсарой» мажмуасига зиёратга олиб боради. Айни пайтда боғчада «Касаба уюшма боғи»ни ташкил қилиш учун ҳаракатларни бошлаб юборган.

**А. АКМАЛОВ**

# Бахт тимсоли

***Адабиёт ўқитувчимиз оналар ҳақида иншо ёзишни топширди. Очиғи, қандай ёзиш ҳақида узоқ ўйландим. Онажонимнинг мактабга етаклаб борганлари, биринчи марта «беш» баҳо олганимда суюнгани, мактабдан кеч қайтсам йўлимга кўз тикиб туриши, бетоблигимда бошим узра парвона бўлгани, ҳамма-ҳаммаси кўз олдимда гавдаланди.***

Онажоним — мен учун дунёдаги тугал бахтнинг тимсоли. Оламда фарзандини эркалаётган оначалик бахтиёр зотни кўриш мумкинми? Фарзандини бағрига босиб турган она дунёга тинчлик тилаётган, осойишта ҳаёт, сокинлик учун шукрона айтаётган муқаддас зот, фариштадай покиза хилқат.

Гоҳида оналарни фариштага қиёслашади. Балки шундайдир. Аммо фаришта ҳеч қачон она ўрнини боса олмайди.

Дунёда она алласидай сеҳрли қўшиқ борми? «Агар созанда қўшиқ айтса, уйнинг у четидаги одам эшитмаслиги мумкин, аммо она алла айтса, дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак ҳам овунади», деган таъриф нақадар тўғри эканлигига имон келтирасан.

Ҳар қанча сўз демай, онамнинг таърифини тўла битолмаслигимни ҳис қилдим ва Аллоҳдан онажонимга узоқ умр тиладим.

**Меҳринисо ОТАБОЕВА,**
**Хоразм вилояти**



# Эъзоз ва эҳтиром

***Аёл борки, олам мунаввар. Бу ташбеҳга қўшимча қилиб, аёл борки, қалблар мунаввар, десак асло муболаға бўлмайди. Юртимизда аёлларни эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки аёл қадрланган юртда эзгулик, адолат, яхшилик ҳамиша музаффардир.***

Куни кеча Муқимий номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтган Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши қошида тузилган Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг байрамга бағишланган «Аёл борки — олам мунаввар» номли тадбирида юртимизнинг бир гуруҳ фидойи ва фаол аёлларига байрам совғалари топширилди. Тақдирланганлар орасида 9-10 фарзандни тарбиялаб вояга етказган оила соҳибасидан тортиб, 35-45 йиллик педагогик стажга эга бўлган фидойи педагоглар ва фан доктори, профессорларгача бор эди.

Тадбир сўнгида «Жайдари келин» спектакли намойиш этилди.

**Сайёра ШОДИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**




# Ўзбегим аёллари

*Сиз – Вомиқнинг Узроси,*
*Сиз – Тоҳирнинг Зуҳроси.*
*Сиз – Мажнуннинг Лайлоси,*
*Ўзбегим аёллари,*

*Фузулийнинг малаги,*
*Шоҳ Бобурнинг тилаги,*
*Навоийнинг юраги,*
*Ўзбегим аёллари.*

*Тўмарис, Барчинойим,*
*Увайсий, Моҳларойим.*
*Сиз Гулойим, Бегойим,*
*Ўзбегим аёллари.*

*Қалбни ёритган нурсиз,*
*Дилни яйратган ҳурсиз.*
*Бебаҳо Кўҳинурсиз,*
*Ўзбегим аёллари.*

*Яралгансиз меҳрдан,*
*Сўзларингиз сеҳрдан.*
*Асрай Сизни қаҳрдан,*
*Ўзбегим аёллари!*

**Шоирахон СОДИҚОВА,**
**Чилонзор туманидаги 202-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси**

Ishonch
2011-yil 6-mart № 28-29 (2910)



# Ободлик кўнгилдан бошланади

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир юртдошимиз 20 тупдан кўчат экиши тўғрисидаги ташаббуси кенг қулоч ёйди. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшаси — қишлоқларда, маҳаллаларда ана шу хайрли жараён давом этмоқда.**

## Ташландиқ ерда... иссиқхона

***Кармана туманидаги бўз ерларни ўзлаштиришда «Бирлашган ўзар...» мақоли ўз исботини топди.***

***Гап шундаки, туман ҳудудини Навоий шаҳри билан боғловчи ички йўл ёқасида оралиқ майдон мавжуд бўлиб, сув чиқмаслиги боис ташландиқ ҳолатда ётарди. Ниҳоят, уни ўзлаштиришга жазм этилди. Ўртага ташланган таклифларда ерни талабгор тадбиркорлар ихтиёрига топшириш нисбатан мақбул эканлиги кўриниб турарди. Шу зайл, ер 24 нафар тадбиркорликда суяги қотган йигитларга бўлиб берилди. Улар орасида «Оташ-Кармана» хусусий корхонаси раҳбари Шокир Шаропов ҳам бор эди...***

— Ўша ташландиқ ерларни серунум майдонга айлантиргунча озмунча машаққат чекканимиз йўқ, — дейди Шокиржон. — Ерни текислатиш, сув чиқариш, қирчин тошлардан тозалаш учун кўп куч сарфладик. Ҳали олдинда катта ишлар турганлиги боис «Алоқабанк»нинг Навоий филиалидан 150 миллион сўм кредит олдик. 0,62 гектарида иссиқхона ташкил этиш мақсадида атрофини девор билан ўраттирдим. Кейин ерни яхшилаб ағдариб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ишлов бердик.

Дастлаб синалган помидор нави уруғини қададик. Ҳосилимиз ёмон бўлмади. Бодринг ҳам яхши ҳосил берди. Кўз тегмасин, олган кредитларимни узоғи билан икки-уч йилда узадиган кўринаман.

Қолган тадбиркорлар ҳам иссиқхона фаолиятини йўлга қўйганликлари боис кам бўлишмаяпти. Айни пайтда юзлаб янги иш ўринлари барпо этилганидан ёшлар мамнун.

Ҳозир ташландиқ майдонлардан асар қолмаган. Сувнинг шилдираб оқиши, ўзини анча тутиб олган дов-дарахтлар кўрку тароватидан дилингиз яйрайди.

* * *

Кармана туманининг Жалойир ҚФЙ минтақаси азим пойтахт томондан ташриф буюрувчи меҳмонлар учун илк остона саналади. Магистрал йўлнинг туман марказигача элтувчи 14,5 км.лик масофаси бу ерликлар яшаш тарзи ҳақида хулоса чиқариш учун етарли. Жалойирликлар туриш-турмуши, гузарлар ободончилигида ҳомийлар ва оқсоқолларнинг ўрни катта. Натижада, катта йўл ёқасидаги барча уйлар қайтадан таъмирланди. Иморатлар томларининг бир хил кўриниши учун Тошкент шаҳридан черепица келтирилиб, ишга моҳир усталар жалб қилинди. Муҳтож оилаларга саховатпеша ҳомийлар томонидан моддий кўмак ажратилди. 9 нафар оилага кам фоизли кредитлар олиб берилди. Бир сўз билан айтганда, воҳа остонасидан бошланган янгиланиш барча қишлоқ ва овулларга ёйилди.

«Юқори буғ», «Шибзон», «Арабхона», «Гурда», «Аллон» МФЙларида бўлганимизда, бунинг гувоҳи бўлдик. Қишлоқ йўлларининг икки ёни озода ва саришта. Уйлар оқланиб, ҳар қарич ерда саранжомлик йўлга қўйилган. Гузарларда маданий-маиший, савдо дўконлари ишлаб турибди. Очиқ майдонлар ағдарилиб, гулзорлар учун мослаштирилган. Янги экилганига қарамасдан турли мева ва арча ниҳоллари кўркам бинолар чиройига чирой бағишлаб турибди.

2010 йил давомида вилоятда ҳар қарич ер, томорқадан унумли фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар давом эттирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса бу янада қизғин тус олди. Жалойир ҚФЙ ҳудудидаги Парда Очил, Янгиобод, Олчин, Тоқчи қишлоқларидаги хонадонларда бунга гувоҳ бўлдик. Оилаларда томорқа ерлари атиги 9-10 сотихни ташкил этса-да, турли мевали дарахтлар майдонининг ҳар қаричи ҳисобга олиниб, жойлаштирилган, озроқ жойда кўкат етиштирилган. Боshқа жойида қўшқатор жўяклар тортилиб, картошка экилган. Баъзи оилаларда эртаги сабзи парваришланяпти. Ҳар уч хонадоннинг бирида қўлбола иссиқхона бор. Плёнка остида куртак ёза бошлаган булғор қалампири ёки гулкарам, албатта, оила бюджетига кўмак бўлади.

Ўз заминини жаннатмакон ўлкага айлантириш иштиёқи бунёдкор фермерларимизга шижоат бахш этмоқда. Улар нафақат пахта, ғалла, пилла, балки ширин-шакар мевалар тўкинлигини таъминлашда ҳам пешқадам. «Юқори буғ» МФЙ ҳудудида барпо этилган 7 гектар майдондаги «Мустафоқулбобо боғи» фикримизга биргина мисол. Шу кунларда бир хилда шакл берилган 2-3 йиллик дарахтларга шарбатли озуқа бериш давом эттирилаётир. Унинг ёнидаги 3 гектарлик майдонда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан келтириб экилган сара анор ниҳоллари парваришланмоқда. Меҳнатда тобланган «Лочин» фермер хўжалиги раиси Бобоёр Ражабов ҳам қисқа вақтда 21 гектарлик майдонни серҳосил боққа айлантирди. Ниҳоллар ҳосилга кириб, эл дастурхонини янада бойитаётир.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Янги боғларнинг илк баҳори

***Шаҳрисабз тумани халқи ўзининг меҳнатсеварлиги ва уддабуронлиги билан тилга тушган. Бу ерда уста боғбонлар, деҳқон-у миришкорлар кўп. Тумандаги 1-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатида 412 нафар ўқувчи таҳсил олади. Муассаса раҳбари Шарофиддин Зайниддинов нафақат таълим сифатига, балки ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантириб боришга ҳам эътибор қаратади. Мактаб-интернат ҳовлисида олти сотих ерда иккита иссиқхона ташкил этилган бўлиб, помидор, бодринг ва лимон етиштирилмоқда.***



— Иссиқхоналар биология фанидан тажрибавий машғулот майдони ҳисобланиб, у ерда ўқувчилар нафақат билимларини оширади, балки меҳнатга, ерга меҳр қўяди, деҳқончилик сирларини ўрганишади, — дейди мактаб-интернат директори Ш.Зайниддинов. — Махсус ҳовузимиз бор. Унда чувалчанглар боқилади. Биз кузги хазонни ёқмаймиз, балки ҳовузга ташлаймиз. Чувалчанглар хазон барглари билан озиқланиб, тупроқни тайёр қимматли ўғит қилиб беришади. Иссиқхонадан икки марта ҳосил оламиз. Биология фани ўқитувчилари иссиқхонада ўқувчиларга амалий дарс ўтиб, уларнинг билимларини такомиллаштиради. Қолаверса, уста деҳқон Қурбон ака Одилов ҳам ўз маслаҳати билан ёшларни меҳнатга қизиқтиради. Айни қиш мавсумида помидорларимиз ғарқ пишади. Ҳосилни ўқувчилар истеъмол қилишади, ўқитувчиларга тарқатамиз. Ортганини бозорга олиб чиқиб сотишади. Баҳор фаслида бодрингларимиз пишиб етилади. Даромадни ободонлаштириш, илғор ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфлаймиз.

Дарҳақиқат, мактаб-интернат ва ўқувчилар турар жойидаги ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Йўқ жойдан имконият топиб, иссиқхона яратиб, даромад олаётган муассаса жамоасидан сербарака боғларни кутиб қолса бўлади. Мактаб залида, улкан-улкан тувакларда экилган гуллар гўё ичкарига ҳам баҳор тароватини ёйиб тургандек...

Янгиобод Шаҳрисабзнинг чекка қишлоқларидан бири. 2010 йилда бу қишлоқда янги таълим маскани қад кўтарди. 60-ўрта умумтаълим мактабига борганимизда ўқитувчи ва ўқувчиларни қизғин иш устида учратдик. Жамоа янги боғ барпо этиш тараддудида ерга кўчат ўтқазарди.

— Мактабимизда 273 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти, — деди мактаб директори ўринбосари Олимжон Ҳамроев. — «Нодирбек Баҳодирович» фермер хўжалигидан 713 минг сўмга кўчат сотиб олдик. 2000 дона манзарали ва 1000 туп мевали дарахт ниҳолларини экиш ишлари давом этяпти. Ўрик, олча, олманинг бир неча турларидан бор. Ободонлаштириш ишлари туфайли яқин йилларда янги боғимиз бўлади. Дарахтлар оралиғига помидор, сабзи, картошка экишни мўлжаллаяпмиз...

Хайрли ташаббусни аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш, олиб борилаётган ишларга амалий кўмаклашиш, назорат этиш касаба уюшма ташкилотлари зиммасида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Баҳорнинг иссиқ кунлари бошланяпти. Демак, кўчатларни тез ва сифатли экишнинг айни вақти.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман бирлашган қўмитаси раиси Саъдулла Абдуллаев ҳар куни тумандаги таълим муассасаларини, маҳаллаларни айланиб, эзгу тадбирларнинг ижроси билан қизиқади.

— Қурултойда кўрилган масалалар юзасидан туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитасининг қўшма қарори ишлаб чиқилиб, барча таълим муассасаларига етказилди, — деди биз билан суҳбатда Саъдулла Абдуллаев. — Ушбу қарорга асосан ҳар бир халқ таълими ходимига йигирма донадан мевали ҳамда манзарали кўчат экиш ва ниҳолларни тўла кўкартириб олиш топширилди. Баҳорнинг биринчи кунига қадар бўлган маълумотларга кўра, эккан ниҳолларимиз 80 минг 200 тупдан ошиб кетди.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, — деди суҳбатимиз провардида раис. — Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ушбу хайрли ташаббуснинг аҳоли томонидан



катта эътибор ва хайрихоҳлик билан кутиб олинганига гувоҳ бўлдим. Қолаверса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили талабларидан келиб чиқиб, ходимларимиз боғ-роғлар яратишдан ташқари чорва, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Мазали ва витаминга бой бўлган Ўзбекистон мевалари-ю, шарбатларига жаҳон мамлакатларида талаб катта. Шунинг учун экиладиган мевали дарахтларнинг тури ва навини алоҳида инобатга оляпмиз. Кўчатлар улғайиб, дарахт ҳолига келгунича боғ орасидан ҳосил олишни мўлжаллаб, ҳар хил сабзавотлар экиш ҳам бошлаб юборилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Олма пишганда келинг!

Ҳозирги кунга қадар университетда минг тупдан ортиқ зайтун ва игна баргли кўчатлар экилган бўлса, март ойининг биринчи ярмигача яна 2500 туп мевали ва манзарали кўчатларни экиш режалаштирилган. Экилган кўчатларнинг тўла-тўкис униб-ўсишини таъминлаш учун университет ҳудудида 130 метр чуқурликдан катта ҳажмда сув чиқарилиб, суғориш учун пластмасса қувурлар ётқизилди.

**Файзулла БАҲРОМОВ,**
**ЎзДЖТУ ходимлар касаба уюшма қўмитасининг раиси**



**Суратда:** *кўчат экиш пайти.*
**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат**

*Андижон вилоятида давом этаётган кўкаламзорлаштириш ишларида халқ таълими тизими ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда.*

*Улар томонидан ҳозирга қадар юз гектар майдонда боғ барпо этилди. Жумладан, Асака тумани «Шарқ ҳақиқати» массиви ҳудудидаги ўн гектарлик майдонга нок, беҳи, олма кўчатлари ўтқазилди. Булоқбоши туманидаги 11-мактаб-интернат жамоаси эса етти гектар ерни сўлим боққа айлантирди. Шаҳрихон туманидаги Дўлан қишлоғида 3,2 гектар майдонга олма, бодом кўчатлари экилиб, «Таълим боғи» ташкил қилинди. Ушбу хайрли ишда мингга яқин ўқитувчи ва мураббий қатнашди. «Таълим боғи» арча ва япон сафораси кўчатлари билан янада ажиб манзара касб этди.*

***Ота-боболаримиз қадим-қадимдан серқуёш юртимизни боғу бўстонга айлантиришни ўзларининг энг эзгу вазифаси деб билишган. Аслида ҳам боғ-роғлар яратиб, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, шу заминнинг ҳар қаричини авайлаш бурчимиздир.***

### Ҳар қаричи хазина

Айни дамда вилоят кенгашимиз аъзолари томонидан 14.000 дона қора арча, 400 донадан сафора ва ҳинд серини, 200 дона арча ва 10 мингга яқин мевали ҳамда манзарали кўчатлар экдик. Бу ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

**Жаҳонгир БЕКБОЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлар касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши мутахассиси**



# «Чинобод санаторийси»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

*Барча аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади. Сизларга соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизда омад ёр бўлишини тилаб қолади. Умр йўлингиз қувонч гуллари билан чаманзор бўлсин!*

## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Мамлакатимиздаги жамики мунис онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни баҳор ва гўзаллик байрами — 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди!



## «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан барча аёлларни самимий қутлайди. Мунис опа-сингилларимизга туганмас бахт, баҳор гулларидай мафтункорлик, келгусидаги орзу-ниятлари ижобат бўлишини тилайди.



Байрамингиз муборак бўлсин!

## Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

ҳамда

## Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят вакиллиги

*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан мунис онахонларни, латофатли опа-сингилларни самимий табриклайди.*

Вакиллигимиздаги 35 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти аъзолари томонидан жорий йилда 12300 туп, шундан 8230 та мевали ва 4070 та манзарали кўчат ўтқазиб, 28,3 гектар майдонда боғ ва 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этишни режалаштириб олганмиз. Ҳозиргача 11647 туп, шундан 6486 туп мевали ва 5161 туп турли манзарали дарахтлар ўтқазишга эришилди. «Қўқонспирт» ОАЖ да 1 гектарли иссиқхона ташкил этилиб, 500 туп лимон ва 500 туп мандарин кўчати ўтқазилиб, қатор ораларига эса помидор ва бодринг кўчатлари экилди. Кўчат экишда «Фарғонаазот» ОАЖ, «Водийгазтаъминот» ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи УКларида амалга оширилаётган ишларни намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, «Фарғона иссиқлик электр маркази» ОАЖда 3,3 га, «Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси» ОАЖда 2,5 га, «Қўқонспирт» ОАЖда 2,0 га, «Қўқон НГПИ» ОАЖда 2,1 га фойдаланилмай турган ерлар текисланиб, кўчат экишни якунлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Тизимга қарашли 2 та мактаб-интернат, 2 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ва 1 та коллежга Фарғона Давлат ўрмон хўжалигидан вакиллигимиз ҳисобидан ҳомийлик тариқасида 450 туп мевали ҳамда 670 туп манзарали кўчатлар олиб берилди. ЎзКУФнинг V Қурултойидаги ташаббус юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтиришни ўзимизга мақсад қилиб олганмиз.

Шу билан бирга, Ҳукуматимиз топшириғига асосан йирик саноат корхоналари қошида чорвачилик, паррандачилик, баликчилик каби ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, уларда ишчи-ходимларга арзон нархларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириб беришни йўлга қўйиш масалаларига ҳам тизим корхоналарида алоҳида эътибор қаратилиб, қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, «Фарғонаазот» ОАЖ томонидан Тошлоқ туманида ферма ташкил этилиб, ҳозирда 58 бош зотдор сигир парвариш қилинмоқда. Фермада 25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Келажакда унинг фаолиятини янада ривожлантириб, қорамоллар сонини 200 бошга етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи УК Қўштепа тумани ҳудудида 100 минг бош парранда боқишга мўлжалланган ферма ташкил этмоқда. Ҳозирда таъмирлаш, керакли ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Фермани жорий йилнинг иккинчи ярмида ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, натижада 50 кишига янги иш ўрни яратилади.

**С.МЎМИНОВА,**
**Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси МКнинг Фарғона вилоят вакили**




МЧЖ «Ботаника санаторийси» жамоаси
Юртимиздаги барча аёлларни гўзаллик ва нафосат байрами билан қутлайди.
8 Март


МЧЖ «Бўстон санаторийси» жамоаси
Хотин-қизларимизни 8 март айёми билан табриклаб, уларга бахт-саодат ҳамда барча эзгу орзулари рўёбини тилайди.


AGROBANK
ОАТБ «Агробанк» жамоаси
Бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами ҳамда баҳор айёми билан муборакбод этади.


IPOTEKA BANK
Ипотека-Банк жамоаси
8 Март
Мунис онахонлар ва гўзал опа-сингилларимизни баҳор айёми билан қутлайди.

# Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 6-mart № 28-29 (2910)



●Туйғу

**О, нақадар фусункор бу! Она ер қор кўрпасини ташлаб уйқудан уйғонди. Қирлар бодроқ-бодроқ очилган бойчечаклар билан қопланган. Бамисоли само юлдузлари ҳордиқ чиқариш учун қирларга қўнганга ўхшайди. Бойчечак — баҳор элчиси, нафосат рамзи...**

## Кўклам чечаги

Теваракка боқаман. Поёнсиз қирлар узра кўклам нафаси кезаётир. Баҳор ҳавосидан симириб нафас оламан, ўзимни қушдек енгил сезяпман. Атроф яшил бахмалдек товланади, сап-сариқ бойчечаклар эса баҳор эпкинида сархуш тебранади.

Ширин хаёл оғушида термуламан. Кета-кетгунча бойчечак. Мен уларнинг шабадада эгилган таъзимини келинсаломга қиёслайман. Қувона-қувона бойчечаклар оралаб йўлда кетмоқдаман. Ногаҳон кимнингдир оёғи остида қолиб эзғиланган бойчечакка кўзим тушади. Уни авайлаб қўлимга оламан. Бошимни минг-минг ўй-хаёллар чулғайди...

**Парда ҲАКИМОВ,**
**Деҳқонобод тумани**



●Изҳор

## Мен онамнинг қизи бўламан

Мен онамнинг қизи бўламан,
Босиб ўтган изи бўламан.
Фарзанд деган номга
муносиб
Умидли юлдузи бўламан.
Мен онамнинг қизи бўламан,
Кулиб турган юзи бўламан.
Келажаги, иқболи кулган
Кеча ва кундузи бўламан.
Онам меҳри
меҳримга пайванд,
Бергим йўқдир
сира-сира панд.
Онам каби она бўлолсам,
Истагим шу —
дилимга монанд.

**Ирода СОБИРОВА,**
**Хива туманидаги**
**17-мактабнинг**
**9-синф ўқувчиси**

●Тасвирий санъат



**Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров (1912-1996) аёл гўзаллиги ва малоҳатини санъат даражасига кўтарган мусаввирдир. Устоз санъаткорни яхши билганим учун ул зотни севги ва садоқат тимсоли дегим келади.**

## Аёлларни ардоқлаган мусаввир

Чингиз Аҳмаров шогирди Шамсирўй Ҳасановани севиб, унга уйланади. Шамсирўй ажойиб мусаввира эди. У ўз қиёфасидан тортиб, барча Шарқ аёллари кўринишларини «Зебуннисо», «Нодирабегим», «Увайсий» ва бошқа рангтасвир асарларида акс эттириб, томошабинлар эътиборини тортди.

Ҳаётда қувонч билан қайғу, бахт билан фожиа ёнма-ён юрганидек, икки севишган қалбнинг умр йўлларини шафқатсиз ўлим ажратди. 1956 йилда Шамсирўй вафот этади. Устозим ана шу гўзал мусаввиранинг руҳи поки ҳурмати ва қайноқ муҳаббати билан яшаб, бошқа уйланмай умр кечирди. Ҳусн, чирой ва ҳаёда ягона бўлган мусаввирага атаб «Менинг Қуёшим» портретини яратиб, Қуёш куррасида Шамсирўй қиёфасини акс эттирди. Мусаввирга уйининг тўрида турадиган ана шу бебаҳо сурат бир умр илҳом бағишлади.

Устоз буюк мутафаккир Алишер Навоий ғазалларини кўп ўқир, мутафаккир шоир тимсолида ўзини кўрарди. Ижоди давомида юзлаб оқила, вафоли, ҳаёли, гўзал аёллар қиёфасини яратиб, ўзбек аёли тасвирланган галерея ташкил этди. Айниқса, Шарқшунослик ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтлари, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, мутафаккир шоир номи билан аталувчи опера ва балет театри ҳамда метро бекатидаги деворий расмларда аёлларнинг ўзига хос мафтункор қиёфаси мусаввир талқинида бутун жозибаси билан намоён бўлган.

Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёти театр, концерт заллари, музейларда ўтган десам муболаға бўлмайди. Айниқса, Ўзбекистон Давлат санъат музейига тез-тез келарди. Сабаби, бу нафосат масканига умр йўлдоши Шамсирўй Ҳасанова раҳбарлик қилганди. Бу аёл ниҳоятда чиройли бўлиб, Чингиз Аҳмаров аёллар қиёфасини яратишда унинг кўринишидан ижодий фойдаланганлигини кўп бор эътироф этган. Биз бу ҳақиқатни асар қаҳрамонларининг қоши, юзи, бўй-басти, кўзларидан билиб олардик. Ушбу музейда сақланаётган «Тошкентча рақс», «Фарғонача рақс», «Бухороча рақс», «Хоразмча рақс», шунингдек, «Ширин» портрети каби асарларида бу ҳолатни сезиш мумкин. Мусаввир аёлларни тасвирлашда халқ оғзаки ижодида таърифланганидек: бодомқовоқ, кулча юз, ғунча лаб, хипча бел, «сув ичса, томоғидан кўринади» ибора, қочиримларидан ҳам унумли фойдаланиб, буларни ранглар оқимига сингдириб юборишга ҳаракат қиларди.

Чингиз Аҳмаров жуда маърифатли, зиёли бўлгани боис аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатар, уларга ҳамиша яхши муносабатда бўларди. Шамсирўй Ҳасанова ҳам «Нодира» портретини яратган бўлсада, лекин негадир, устозники бўлакча. Устозим чизган портретга боққанимда, Шамсирўй Ҳасановани кўргандек бўлавераман.

Чингиз Аҳмаров аёлларимизни хаёлан тасаввур этишдан ташқари замондош аёллар қиёфасини ҳам яратди. Айниқса, эл севган санъаткорлар — «Ҳалима Носирова — Ширин ролида», «Мукаррама Турғунбоева — «Тановар»да», «Галия Измаилова «Ҳинд гўзали рақсида» асарлари томошабинлар эътиборига тушди.

Чингиз Аҳмаров «Зулфия» портретини севимли шоирамизга кўрсатганида Зулфияхоним ғоят севиниб, «Руҳиятимни кам-кўстсиз ифода этибсиз» дея миннатдорчилик билдириб, унга бағишлаб шеър ёзганди.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси ва театр арбоблари уюшмалари аъзоси**

●Орамиздаги одамлар

## Ёш авлод иқболи йўлида



*У табиатан хушчақчақ, меҳрибон, ўқувчилари билан тез тил топиша олади. Суҳбатлашсангиз, кўнглингиз яйрайди.*

*Мунира Боситхонова 1974 йили Республика хотин-қизлар педагогика билим юрти (ҳозирги педагогика коллежи)ни тугатгач, Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошлади. Устозлари Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова ва Халқ таълими аълочиси Шаҳло Юнусованинг маслаҳатига амал қилиб, улардан муомала маданиятини, касбга масъулият ҳиссини ўрганди.*

Ўқув даргоҳида фаолият олиб бориш билан бирга, Низомий номли ТДПУнинг бошланғич таълим методикаси факультетини сиртдан тамомлади. Изланувчан педагог 1999 йили «Иқтисод алифбоси» дарсларида янги педагогика технологиясининг қўлланиши бўйича ўтказилган республика кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди. Ўша йили Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими маорифчиларининг август кенгашида унинг «Иқтисод алифбоси услубияти» қўлланмаси оммалаштирилди. 2002 йил Халқ таълими вазирлиги қошидаги иқтисодий таълим бўлими илмий методик кенгаши тавсияси билан 1-, 2-синфлар учун «Иқтисод алифбоси дафтари» қўлланмаси «Чўлпон» нашриётида чоп этилди. 2005 йили муаллиманинг 4-синфлар учун «Мажбурий стандарт назорат ишлари» тўплами босмадан чиқди.

Жонкуяр устоз 1997 йилдан бери Республика таълим марказида ҳам амалиётчи, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқув дастурларини оптималлаштирувчи ишчи гуруҳи аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Муаллиманинг кўплаб мақолалари республика нашрларида ёритилган.

Ўттиз беш йиллик педагоглик фаолияти давомида кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Она изидан бориб қизлари Шаҳноза ва синглиси Мўътабар ҳам ўқитувчилик касбини эъзозлаб келишяпти.

У нафақага чиққан бўлишига қарамай, ҳамон ёшларга таълим бераётир. Бир неча йил муқаддам қобилияти паст бўлган ўқувчиларни йиғиб, алоҳида синф ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, уларга сидқидилдан таълим-тарбия бериб келади.

Халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат» медали нишондори Мунира Боситхонова кўп йиллик самарали меҳнати учун Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

**Абдулла САИДОВ**

●Байрам ҳазиллари







Рассом: Ҳусан СОДИҚОВ

## «НАФОСАТ АЙЁМИ» кроссворди



**Энига:** 1. Зеб бериш, пардозлаш. 5. Куй жўрлигидаги ҳаракатлар билан ижросини намойиш этувчи санъаткор аёл. 8. Гўзал, соҳибжамол маъноларини англатувчи аёллар исми. 9. Камола образи орқали аёл садоқати гавдалантирилган «Ганг дарёсининг қизи» филмига асос қилиб олинган роман муаллифи, атоқли ҳинд адиби. 12. Ёзувчи ижодкор аёл. 13. Қошга пардоз бериш анжоми. 14. Ёғ аралаштирилган хамирдан тайёрланадиган тансиқ миллий нон. 16. Хонани безаш учун эшик ва деразаларга тутиладиган мато. 20. Аёллар ҳам шуғулланаётган спорт тури. 21. Қўшиқдан: «. . .»га сол созингни, «Баёт»га сол бозингни, Тинчлик қўшиғин бошла, Эшитай овозингни. 23. Кайхисрав бошчилигидаги Эрон қўшинларининг босқинчилик урушига қарши Турон халқининг курашига бошчилик қилган ватанпарвар, жасоратли аёл ҳақидаги тарихий афсона. 25. Америка адибаси, негрлар ҳуқуқи баён этилган асар муаллифи. 26. Иборадан: ... юзли, соҳибжамол. 27. Чирой, гўзаллик, нозиклик маъноларини англатувчи аёллар исми. 32. Алишер Навоий достонидаги Қайснинг севгилиси. 33. Хонани безашда ишлатиладиган каштачилик буюми. 36. Ҳикматдан: ... ни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. 37. Мақолдан: Ер қуёш ,, йўлдоши, ... умр йўлдоши. 38. Сочни ораста тутиш анжоми. 40. Аёллар ўртасида оммалашаётган миллий спортимиз. 47. Назм мухлислари анжумани, шеърхонлик. 44. Турфа ранг патли жануб қуши. 45. Биринчи ўзбек романи «Ўткан кунлар» асари қаҳрамони. 48. Қимматбаҳо металл кукунидан бериладиган пардоз.

**Бўйига:** 2. Куй билан ижро этиладиган саҳна санъати тури. 3. «Меҳробдан чаён» тарихий романи қаҳрамони. 4. Шароф Бошбековнинг «Чархпалак» телесериалидаги қўшни, меҳрибон аёл образи. 6. Инсоннинг жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрни. 7. Оила қувончи. 10. Ўзбек халқ рақсларидан бири. 11. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси қаҳрамони. 15. Ҳарир тола, тўқимачилик ашёси. 17. Оммавий тарзда ижро этиладиган байрам шодиёналари қўшиғи. 18. Яхши иш, ҳислар эвазига жамоатчилик ўртасида эришиладиган, ҳурмат эътибор. 19. Алишер Навоийнинг саҳнадаги севгилиси. 22. Мукаррама Турғунбоева асос солган, жаҳонга танилган рақс гуруҳи. 24. Мақолдан: Гилам сотсанг, қўшнингга ..., Бир четида ўзинг ўтирасан. 28. Онажонларнинг фарзандига айтадиган азалий қўшиғи. 29. Эрон адиби Соҳиб Жамол қаламига мансуб «Гули сиёҳ» романи қаҳрамони. 30. Ҳинд аёлларининг миллий либоси. 31. Ёрга, яқин кишиларга садоқат фазилати. 34. Аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилишда қўлланиладиган сўз. 35. Асосан аёллар тўқийдиган бадиий буюм, хона жиҳози. 39. Ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида бўлган, эркин, ҳур инсон. 41. Тақинчоқ тури. 42. Гўзал, чиройли, кўркам. 43. Ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг саҳналаштирилган романи: «Фотима ва ...». 46. Онанинг опаси ёки синглиси.

### «ОНАЛАР МАДҲИ» МУАММОНОМАСИ

Аввало, қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган ҳикмат ва халқ мақолларидаги калит сўзларини топинг.

**Юсуф Хос Ҳожиб:**

1. Онанг пандларига сен қилғил амал,
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар 1, 2,10, 2,14.

Алишер Навоий: 2. Оналарнинг оёғи остидадир Равзаи жаннату жинон боғи. Равза боғи висолин 6,15,12, 2, 7 эсанг, Бўл онанинг оёғин туфроғи.

3. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий: Йўқ бизга онадек меҳрибон,
15, 6,13, 5, 2,17, 2. қалқон, бош узра соябон.

Халқ мақолларидан:

4. Ота — қўл бўлса, она — 3, 2,14,16.

5. Онанг учун кафтингда тухум қовуриб берсанг ҳам унинг ҳаққини 2, 4, 8. қила олмайсан.

6. Онанинг 1,9,10,7,6 ҳам зўр, ҳам қаҳрли.

7. Оила 12, 6, 5,11 — юрт тинч.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб ҳикматли сўз ва туркман халқ мақолларидан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ**

Insonga naf keltirish — oliy baxt

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To`lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Ⓗ - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -23.00

Буюртма Г — 351

21955 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 1